
Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари хонадонига қуёш панеллари ўрнатилмоқда

Бағдод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Саиджон Давлатов хонадонига қуёш панеллари ўрнатиш учун буюртма берди. Тумандаги "Ҳамкор алоқа экспорт" масъулияти чекланган жамияти ходимлари томонидан мазкур буюртма асосида иш бошланди.

- Корхонамизга нафақат Бағдод, балки қўшни туман ва шаҳарлардан ҳам қуёш панеллари ҳамда қуёш нури билан сув иситиш ускуналарини ўрнатиб бериш бўйича буюртмалар келмоқда, - дейди МЧЖ раҳбари Ўткирбек Каримов. - Шу кунгача 50 дан зиёд аҳоли хонадонлари ва корхона-ташкilotларга айна турдаги хизматлар кўрсатилди. Мижозларга қулайлик яратиш, табиий энергия олишнинг афзалликлари ҳақида аҳолига кўпроқ тушунчалар бериш мақсадида, Халқ банки ва "Агробанк"нинг туман филиалларида махсус "шоу-рум"лар ташкил этилди.

Маълум қилинишича, қуёш панеллари ва қуёш нури билан сув иситиш ускуналарини ўрнатишга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Эътиборлиси, бу каби хизматлардан аввалроқ фойдаланган ва уларнинг афзаллик жиҳатларини англаган мижозлар эндиликда мазкур жиҳозлар қувватини ошириш учун қўшимча панеллар ўрнатиш истагини билдиришяпти.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-03-03 17:42:27